

## Работ — Ислом оламининг маданий пойтахти деб номланди



15:30 / 19.11.2021 2686

Марокаш пойтахти Работ 2022 йил «Ислом оламининг маданий пойтахти» деб эълон қилинди. Бу ҳақда GZT сайти хабар берди. Таълим, фан ва маданият бўйича Ислом ташкилоти (ISESCO) Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) шафелигида фаолият юритади, шунингдек аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида Ислом давлатларида таълим, фан, маданият ва коммуникациялар билан шуғулланади.

Ушбу эълон Марокаш ёшлар, маданият ва коммуникация вазири Муҳаммад ал-Маҳди Бинсаид ва ISESCO бош директори доктор Салим ибн Муҳаммад ал-Малик томонидан ўтказилган қўшма матбуот анжуманида айтиб ўтилди.

Анжуманда ISESCO бош директори Салим ибн Муҳаммад ал-Малик ва Марокаш ёшлар, маданият ва коммуникация вазирлиги 2022 йилги Жаҳон Ислом маданияти пойтахти лойиҳаси доирасида бир қатор қўшма тадбирлар ўтказишни маълум қилди.